**Журалов Абдирашид Исакович** — Қашқадарё вилояти Муборак тумани прокурори

**Журабоев Озодбек Абдуқаҳхорович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи

**Заминова Камола Тахиржановна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция мутахассиси

**Қосимов Шерзод Саримсоқович** — Жиззах вилояти Дўстлик тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

**Кулибоев Адхам Ниёзович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Маматқулов Ойбек Абдуллаевич** — Фарғона вилояти Божхона бошқармаси катта тезкор вакили

**Мирзабаев Сардор Худайбердиевич** — Сирдарё вилояти Сирдарё тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Мирзараимов Нуриддин Раҳимбердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Юнусобод тумани қўриқлаш бўлими техник қўриқлаш маркази сафдор-ходими

**Мунинов Нодирбек Абдуқаҳхорович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлима командири

**Нигматов Равшан Махкамбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент ҳарбий мусиқа академик лицейи директори

**Норбоев Бухор Маликмаҳматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Раджапов Қадамбой Шухратович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ катта механиги

**Раҳманқулов Илхомжон Хақимович** — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

**Рисназаров Айдос Узакбергенович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси катта инспектори

**Таиров Алишер Зиядуллаевич** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор-ходими

**Ураков Ғайрат Халилович** — Самарқанд вилояти Булунгур тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Хакназаров Худойберди Дилмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетини факультет бошлиғи

**Холматов Бекзод Шухратович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бўлим бошлиғи

### Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 27 август

### Ш. МИРЗИЁЕВ

## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

## ТАДБИРКОР ҚОНУНАН ИШ ОЛИБ БОРСА

ОШИҒИ ОЛЧИ, ҲЕЧ КИМ ЙЎЛИНИ ҚАЙТАРМАЙДИ

## Бошланиши 1-бетда

Айни пайтда йилга ўртача 3 миллион долларлик экспорт қилишни мўлжал қилаётган тадбиркор келгусида фаолият турини янада кенгайтиришни мақсад қилган. Жумладан, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали кўшимча 200 та иш ўрни яратиш кейинги лойиҳасидан ўрин олган.

— Ҳозир кўнлик мутахассислар ишчиларимизга оёқ кийим тайёрлашни ўргатмоқда, — дейди И.Панжиев. — Тез орада маҳсулотларимизни ички бозорга чиқаришни бошлаб юборамиз. Асосийси, биз, тадбиркорларга имкониятлар эшиги очилмоқда, иккиланишга ҳолат йўқ. Ҳар бир имтиёздан унумли фойдаланиб, фақат олдинга ҳаракат қилишимиз лозим. Яқинда ўтказилган очик мулоқотда иштирок этиб, ўзимга катта куч олдим, фидойилик билан меҳнат қилишимиз кераклигини яна бир бор ҳис қилдим.

## Ўсиш давом этади

Азим Қашқадарёда кенг кўламли ишлар бўляпти. Воҳада биргина ўтган олти ойда саноатда эришилган натижаларнинг ўзи сўзларимизга исбот бўла олади.

Қашқадарё вилоятида жорий 1-ярим йиллик якунлари бўйича 25,9 триллион сўмлик ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,3 фоиз ўсди. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибиде саноатнинг улуши (қурилиш тармогини қўшган ҳолда) 25,6 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,5 фоиз кўпайган.

Бугунги кунда вилоятда 4058 та саноат корхонаси фаолият юритмоқда. шундан 577 таси жорий йилда ташкил этилди.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 4 миллиард сўмни ёқган йилнинг шу даврига нисбатан 104,3 фоиз бўлди.


Бугунги кунда воҳада 65 та саноат йўналишида хорижий инвестиция иштирокидаги кўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Улар томонидан ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 1,9 триллион сўмликни ташкил этиб, умумий улушида 14 фоизга етди.

Жорий йилда саноат йўналишида қиймати 8,3 триллион сўмлик лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган бўлиб, 1 июнь ҳолатида ушбу лойиҳаларнинг 125 таси ишга туширилди ва 1936 та янги иш ўрни яратилди. Ушбу янги лойиҳалар ҳисобига 235,6 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланишига эришилди.

Хусусан, Якжабб туманида "Davg shagob" МЧЖ томонидан йилга 2 минг диколитр спирт маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга, қиймати 25 миллиард сўмлик лойиҳа ишга туширилди ва натижада 50 та янги иш ўрни яратилди.

Миришкор туманида "Темур ҳамкор пласт" МЧЖ кунига 40 тонна помидорни қайта ишлаш қувватига эга, қиймати 22,9 миллиард сўмлик лойиҳа эвазига 530 та янги иш ўрни очилди.

— Кейинги йилларда вилоятимиз саноатида янги марралар забт этилмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти ҳокимининг саноат бўйича маслаҳатчиси Нодир Ҳамроев. — Бугун чармпойабзал ёки озиқ-овқат, тўқимачилик



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

саноати дейсизми, барча-барча йўналишларда мақтовга арзирли ютуқларни аниқ рақамларда келтириб ўтишимиз мумкин. Шуниси аниқки, бунинг таъсирида бугун элимизда фаровонлик, аҳолининг иш билан таъминланиши яхшиланиб, керакли маҳсулотларга эҳтиёжи қондирилмоқда. Одамларнинг яшаш тарзида ўзгариш бўлмоқда.

Бир пайтлари биттагина саноат корхонаси очиш учун қанчадан-қанча оворасарчиликларга дуч келинарди. Бир амаллаб ишни бошлашнинг билан тепангизда текширувчилар пайдо бўлар, иш юритишга йўл бермасди. Бундан безор бўлган киши кўл силтаганча ишни ташлаб кетишга мажбур бўларди. Бугун эса барчаси бошқача. Бемалол, истаган соҳангизда иш бошлашингиз мумин. Ҳеч ким йўлингизни

қайтармайди. Қонунан иш олиб борсангиз, ошигингиз олчи.

Президентимизнинг 2023 йил 3 февралдаги "2023-2025 йилларда Қашқадарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳам манзилли ишлар давом эттирилмоқда. Жумладан, вилоятда ун ишлаб чиқариш йўналишида сўнгги икки йилда 9 та янги корхона ишга туширилди. Жорий йилда ҳам 138,5 минг тонна қувватга эга 11 та шундай корхона очилиши белгиланган.

Хусусан, яқинда Қамши туманида "Бўришот ая" фермер йўналиши "Мадина" бренди остида йиллик қуввати 10 минг тонна бўлган, умумий қиймати

6 миллиард сўмлик ун ишлаб чиқариш корхонасини ишга туширди. Натижада 30 та янги иш ўрни яратилди.

Электротехника саноатида ҳам ўзгаришлар катта. Жумладан, Қарши шаҳридаги "Буюк Турон" кичик саноат зонасида жойлашган "АЛП Техно сервис" корхонаси томонидан ўтган 6 ой давомида 25 миллиард сўмлик телевизорлар ишлаб чиқарилди ва хорижага экспорт қилинди. Бугунги кунда ушбу корхонага янги линия олиб келиб ўрнатилди. Заводнинг маҳаллийлаштириш даражаси 60 фоизга етказилди. Йил якунига қадар корхонада 100 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланади.

## Рақамлар реаллиқни ифодалайди

Вилоятта хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳам тизимли ишлар қилинмоқда. Ўтган давр мобайнида вилоятта 170 миллион долларлик тўғридан-тўғри инвестиция жалб этилди.

Хусусан, Китоб туманидаги "Қарши кончи цемент" МЧЖ томонидан куёш панеллари орқали электр энергияси ишлаб чиқариш лойиҳаси учун 10,2 миллион доллар миқдорда тўғридан-тўғри инвестиция ўзлаштирилди. Вилоятдаги саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу ишлар натижасида 192,6 миллион долларлик саноат маҳсулотлари дунёнинг 38 давлатига экспорт қилинди.

Хусусан, "Sulton tex group" МЧЖ томонидан 6,8 миллион долларлик калава ил ва тўқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилди.

Вилоятда йил якуни билан саноат ишлаб чиқариш ҳажми 26,4 триллион сўмни (115,2 фоиз ўсиш) ташкил этиши режалаштирилган. Шундан ҳудудий саноат ҳажми 10,9 триллион сўмни (115,2 фоиз ўсиш) ташкил этиши мақсад қилинган.

Бунда, жумладан, драйвер соҳаларда жами 7,5 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Вилоятдаги ер ости бойлиқларидан самарали фойдаланиш кўлами кенгаймоқда. Жумладан, ўтган давр мобайнида 50 та кон савдога чиқарилди. Уларнинг 24 тасида қурилиш материаллари саноати йўналишида янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Йил якунига қадар ушбу йўналишда яна 40 та янги конни аукцион савдога чиқариш орқали янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш белгиланган.

Ер ости захираларига хорижий инвесторларни жалб этишга эътибор кучли. Хусусан, Чирокчи туманидаги кварц, Китоб туманидаги мрамарлашган оҳақтош хомашисини Австриянинг дунёга машҳур "Лассенбергер" компанияси томонидан қайта ишлаш йўлга қўйилмоқда. Ушбу корхона билан эришилган келишувга кўра, микрокальцитдан травертин, шпаклёвка, лок-бўёқ каби 40 дан ортиқ турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича қиймати 35 миллион долларлик лойиҳани Китоб туманидаги эркин иқтисодий зонада жойлаштириш белгиланган.

"Шўртангазкимё" мажмуасига қарашли "Қарши термаллов" заводда полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш линияси қурилмоқда.

Вилоятда саноатни ривожлантириш ишлари шу йўсида изчил давом эттирилмоқда.

Ақбар РАҲМОНОВ,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

## Бунёдкорлик

## БУ КАСБНИ

## Бошланиши 1-бетда

Нукусдаги "Каттагар" темир-бетон заводи бир пайтлар шаҳардаги йирик саноат корхоналаридан эди. Асримиз бошларида банкротга учраб, тўхтаб қолди. У хусусийлаштирилган, ишлар яна юришиб кетди. Корхонанинг номи "Konkred blud"га ўзгарди.

— Тўхтаб қолган корхонани йўлга қўйиш учун хориждан янги ускуналар олиб келдик. Чунки аввалгилари маънан эскирган эди. Янги ускуналаримиз ихчам ва энергиясамарадор, — дейди "Konkred blud" корхонаси раҳбари Марат Ҳусейнов. — Асосан, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Ҳозирги кунда заводимизда 50 дан зиёд ишчи меҳнат қилади. Уларга яратилган шарт-шароит иш сифатига таъсир кўрсатиши табиий. Бепул тушлик берилди, ювниши хоналари улар хизматида. Ойлик маошларни ҳам ўз вақтида олади.

Бугунги кунда корхона Қорақалпоғистоннинг барча ҳудудларида олиб

борилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари, йирик иншоотларга маҳсулот етказиб бериб, юртимиз қурилиш индустриясида ўз ўрнини топиб бормоқда. Заводнинг пайвандлаш цехида ўз касбининг моҳир усталари ишлайди. Улар орасида аёллар ҳам борлиги эътирофга лойиқ. Пайвандловчи оғир ва мураккаб касб бўлса-да, аёллар бу юмушни қойиллатиб бажармоқда.

— Ушбу корхонада иш бошлаганимга ўн йилдан ошди. Келган пайтларимизда роса қийналганман. Темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосан, эркакларнинг иши деб уйлардим, — дейди пайвандловчи Гулжаҳон Утепбергенова. — Лекин иш жараёнида бу касбни аёллар ҳам бемалол эплай олишига ишондим. Устоз опалардан кўп нарса ўргандим. Ҳозир улар нафақада. Ўрганганларимни янги ишга келган қизларга ўргатяпман. Уйларимиз шу яқин атрофда, ҳеч қийналмасдан келиб кетамиз.

Ўз касбидан рози, қилаётган ишни севадиган Гулжаҳон опанинг фаолиятини кузатиб, унинг ҳаракатлари



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

## аёллар ҳам ЭПЛАЙ ОЛАДИ

ҳавасингиз, завқингиз келади. Опанин шогирдларидан бири Нуржамол Сайимбетова ҳам шу касбининг устаси ва фидойиларидан. У цехда пайвандлаш ишлари билан бир қаторда, катта кўча крани ҳам маҳорат билан бошқара олади. Албатта, катта цех ва ундаги техникалар аёллар учун бир оз ваҳимали кўриниши мумкин. Бироқ бу ердаги ишчи хотин-қизлар шижоат ва маҳорат билан бемалол шундай техникаларда ишлаётганидан ҳайратланмай илож йўқ.

Заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатидан буюртмачилар ҳам мамнун. Зеро, сифатли ва арзон маҳсулотнинг харидори кўп бўлади. Корхонанинг темир-бетон маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи цехлари фаолияти билан танишар эканмиз, бу ерда сув қурилиши, электр тармоқлари, халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқлари учун зарур бўлган турли ўлчам ва асортиментдаги тайёр темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётганига гувоҳ бўлдик.

— Ўтган йили корхонамизга иккита янги техника олиб келдик. Бу самарадорликни ошириб, янада кўпроқ фойда келтирмоқда. Шунингдек, темир-бетон маҳсулотлари учун зарур кум, шебень ва цементларни ўзимизнинг техникаларда олиб келяпмиз. Техникаларимизнинг барчаси янги, — галини давом эттирди корхона раҳбари Марат Ҳусейнов. — Келгусида темир-бетон маҳсулотларининг сифатини янада яхшилаб, энергияни тежаш ва ишчи ҳодимлар сонини кўпайтиришни мақсад қилганмиз.

Корхона мутасаддилари ишни янада унумли ва сифатли қилиш борасида изланишда. Зеро, бугун ҳар бир соҳага янги технология ва инновацияларни жорий этишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

## Ёшлар бор жойда эса куч, шижоат ва жўшқинлик бўлади

Қурувчилар гишт ва цемент бунёдкорлигининг асоси дейишди. Нукус шаҳрининг жанубидаги саноат иқтисодий зонасида жойлашган 1-гишт заводи сифатли маҳсулот етказиб бераётган корхоналардан бири.

Завод фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмади, аммо жамоа доим ҳаракатда ва изланишда. Шундан бўлса керак, яқин ҳудудларда унга рақобатдош бир нечта гишт заводи бўлишига қарамай, корхона маҳсулотига талаб катта. Завод эгаси, тадбиркор Азамат Полвонов ҳудуддаги кўплаб қишлоқларни иш билан таъминлади. Ишчиларнинг аксарияти ёшлар. Ёшлар бор жойда эса куч, шижоат ва жўшқинлик бўлади.

— Мен ушбу корхонада икки йилдан бери ишлайман. Бажарадиган ишимизга яраша пул ҳам оляпмиз. Ёнимдагиларнинг кўпчилиги ўзим каби ёшлар, — дейди Асилбек Эсенбаев. — Ишлайман деганга ёши, қобилиятига яраша иш топилади. Даромадимиз оиламиз учун бемалол етиб турибди.

Ҳар қандай меҳнат бир қарашда кўзга осон ва оддий бўлиб кўриниши мумкин. Аммо унинг ўзига хос сирлари ва усулларидан хабардор бўлмасанг, иш бир қилишда кечини қийин. Бу нарсани яқини англаган жамият раҳбарлари ишни кичикроқ ҳажмдан бошлади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари арзон ҳамда сифатли бўлгани учун тезда ўз харидорларини топди. Бугун эса жамият дарвозаси олдида турнақатор юк машиналари тизилиб турганининг ўзи маҳсулотлар

қанчалик харидориги эканини билдириб турибди.

— Бундан 5 йил аввал ишга тушган гишт заводимизда дастлаб кунига 15 минг донна пишган гишт, 35-40 минг хом гишт тайёрлардик, — дейди корхона раҳбари Азамат Полвонов. — Ҳозир эса кунига 60-70 минг хом гишт, 50-60 минг пишган гишт ишлаб чиқаряпмиз. Корхонамизда 150 киши ишлайди. Асосий ишчилар шу ҳудуддаги маҳаллалар ёшлари. Ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, техникаларимиз сони ҳам ортди. Биз гишт ишлаб чиқаришда 3-4 йилдан буён кўмирдан фойдаланяпмиз. Маҳсулотларимиз сифати яқини бўлгани боис, харидорларимиз ҳам йилдан-йилга кўпаймоқда. Яқинда замонавий ускуналар олиб келамиз ва ўз-ўзидан яна 50-60 киши иш билан таъминланади.

Мазкур жамият ўз олдида катта режа ва марралар қўйган. Асосий мақсад корхонанинг фаолияти ва қамровини янада кенгайтириш, ишчилар сонини кўпайтириш, ишни мавсумий қилмасдан, йилнинг тўрт фаслида ҳам тўхтовсиз юргизиш. "Ҳаракатда — баракат" деганларидек, изланиш ва интилишлар натижасиз қолмапти. Корхонада йилдан-йилга сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқариляпти.

## Келажакка пойдевор

Жорий йилда ҳам Инвестиция дастурига мувофиқ, Қорақалпоғистоннинг қатор туман ва шаҳарларида мактабга-ча таълим ташкилотлари учун биналар қуришга, борларини таъмирлашга катта эътибор қаратиб келиняпти. Натижада замонавий ва қулай шароитларга эга



бўлган болалар боғчаларини нафақат шаҳарларда, балки қишлоқларда ҳам учратишимиз одатий ҳолга айланади.

Ана шундай иншоотни қуриш ишлари Хўжайли туманидаги "Шағала кўш" овул фуқаролар йиғини ҳудудда бўлгани. Қўлигул қурувчилар ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, объектни белгиланган муддатда топширишга бел боғлаган. Шу кунларда икки қаватли бинонинг гишт териш ишлари якунланди. Бино томига бетон плиталари ётқизилиб, мураккаб темир-бетон конструкцияларни монтаж қилиш, пайвандлаш ишлари амалга оширилмоқда.

— Ушбу боғча 60 ўринга мўлжалланган. Қурилиш қиймати 2 миллиард 723 миллион сўмни ташкил этади, — дейди "Мангит реал қурилиш" корхонаси иш юритувчиси Реймбў Мирзабегов. — Жорий йил октябрь ойида объект фойдаланишга топширилади.

Сирасини айтганда, барча жабҳаларда юз бераётган кенг кўламли ўзгариш ва бунёдкорлик ишлари қорақалпоғистонликларнинг бугундан рози бўлиб, келажакка ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Минажатов,  
ҚУТЛИМУРАТОВ,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Бошланиши 1-бетда

Аслида, гендер паритети сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, шахслараро муносабатларнинг ривожига хизмат қиладиган ижтимоий адолат тамойиллари асосида жамият ҳаётини ташкил этишининг долзарб муаммоси ҳисобланади. У жамият ҳаётининг муҳим таркибий қисми ва тўғридан-тўғри мавжуд маданият, ижтимоий муносабатларга таъсир қилувчи омилдир.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларида гендер тенглиги, аёллар ва қизларнинг имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, бошқа мақсадлар доирасида ижтимоий тенглик масалаларини таъминлаш етакчилик қилишини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон кўплаб давлатлар қатори Барқарор ривожланиш мақсадларининг фаол тарафдорларидан ҳисобланади ва уларнинг 2030 йилгача амалга ошириш бўйича Миллий

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

таълим дастурларида ҳам ўз аксини топиши лозим



Можира ХОЛИҚОВА, Тошкент шаҳар педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази директори, доцент

индикаторлар тизимини ишлаб чиққан. Бу хотин-қизларга таълим олиш, меҳнат фаолияти ва бошқа ҳар қандай ҳаракатларда эркаклар билан тенг имкониятлар яратиш беришининг жаҳон талаблариغا мос, шу билан бирга, ўзимизгагина хос бўлган чора-тадбирларини назарда тутаяди.

Тафовут ҳамон сезиларли даражада

Гендер тенглик ҳақида сўз борганда, аввало, унинг мазмун-моҳиятини тушуниш олиш тўғри бўлади. Масалан, биологик жинс инсон табиятининг туб жиҳати сифатида эркак ва аёлни ажратиб турадиган генетик, соматик, биофизиологик хусусиятларни англатади, гендер биологик жинс тушуновчасидан фарқли равишда, жинсга оид ижтимоий хусусиятларни кўзда тутаяди. Яъни гендер ижтимоий-маданий конструкт, эркаклар ва аёлларнинг ижтимоийлашув жараёнида ортирилган, жамият томонидан моделлаштирилган ва ижтимоий институтлар томонидан кўлаб-қувватландирилган ҳулқ-атвор хусусиятлари, турмуш тарзи меъёрлари тизимидир. У маданиятлар бўйича фарқ қилади ва вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин.

Биологик жинс ва ижтимоий жинс дифференциясини биринчилардан бўлиб америкалик антрополог Маргарет Мид 1935 йилда таҳлил қилган. Гендер тушуновчаси эса америкалик психолог Роберт Столпер томонидан асосида қўлланила бошланган. Айнан Столпер биринчи бўлиб биологик жинс ва социомаданий жинс (gender) тушунчаларини ажратиб кўрсатди.

Гендер тенглик, эркаклар ва аёллар ҳуқуқи муаммолари узоқ тарихий трансформацияни бошдан кечирди. Бу жараён Фарб ва Шарк тамаддунининг ривожланиш тенденцияси, илмий-когнитив, ижтимоий-фалсафий тафаккурда ўз аксини топган. Маъшур файласуф Платон ушбу ижтимоий ҳолатга нисбатан ўз қарашларини билдириб, “Идеал давлат” асаридан эркак ва аёл табиати ўртасидаги фарқ нисбий ва фақат репродуктив соҳага тааллуқли, деган хулосага келаяди. У ўз даврида анъана, урф-одатларнинг кучли ва узоқ муддатли таъсири натижасида “шўрва пишириш” ва “энаглик қилиш”га маҳкум бўлган хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, муаммонинг ижтимоий илдиларини очиб беради. Немис психологи, социолог, неофрейдизм асосчиларидан бири Эрих Зелигман Фромм эса “Эркак ва аёл” номи асаридан “Ҳар бир инсон ўз турининг вақили сифатида индивидуал хусусиятларини, ўзига хослигини ривожлантириш эркинлигига эга бўлиши керак”, деб ёзади.



Чиндан ҳам, эркак ва аёлнинг жамиятдаги вазифалари кўпинча урф-одат ва қадриятлар асосида келиб чиқаяди. Эркак пул топиши керак, хотин-қизлар эса уйда ўтириб, рўзгор юмушлари, бола парвариши билан шуғулланиши зарур, деган тушунчалар аксарият ҳалқларда азалдан шаклланиб келган. Ваҳоланки, хотин-қизлар ҳам турли соҳаларда алоҳида қобилият, иқтидорга эга ва улар бунини намоён этиш, нафақат оила, балки жамиятда ўз ўрнини топишига ҳақиқ. Гендер тенглиги тамойиллари айни шу жиҳатларни назарда тутаяди ва унинг асоси ҳар бир инсоннинг шахс сифатида намоён бўлиши учун ижтимоий тўқилар ҳамда стереотипларни бартараф этиш, барча соҳаларда эркаклар ва аёллар учун тенг ижтимоий имкониятларни яратишдан иборат.

Гендерга оид стереотиплар ҳулқ-атвор, ижтимоий роълар, дунёқараш, мафкура, эмоционал интелект шаклини белгилайдиган барқарор образлар, шаблонлар, ижтимоий кутишлар, фаолият мажмуини англатади. Масалан, оиладан аёллар ва эркаклар ижтимоий роъларининг тақсимилашига оид гендер тенгсизлик тарихий илдилар билан ўзвий боғлиқ бўлиб, консерватив стереотипларни шакллантирди. Бундай стереотиплар ижтимоийлашув жараёнида ўғил ва қиз болаларнинг ҳаётий амбициялари, истеъдоди ва қизиқишларини тўлиқ аниқлашда чеклашларни келтириб чиқариши, қарама-қаршиликларга, зиддиятларга, психологик муаммоларга олиб келиши ва ушбу стереотипларга жавоб беришни истасмаслик бошқа одамларнинг таъбиқ қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Афсуски, бундай ҳолатлар бизнинг давримизда ҳам тез-тез учраб туради. Ижтимоий ҳаётнинг айрим соҳаларида аёллар ва эркаклар тенгсизлиги ҳамон сақланиб қолмоқда. Масалан, давлат бошқаруви, сиёсий қарорлар қабул қилиш, йирик ва ўрта бизнес соҳасида



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ҲАМ УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

эркакларнинг устунлик қилиши, уй юмушлари асосан, аёлларнинг зиммасида эканини инкор этиб бўлмайди.

Хотин-қизлар сайёраиши аҳолисининг қарий ярмини ташкил этса-да, миллий парламентларнинг атиги 18,4 фоизини аёллар ташкил этади. Иш билан таъминланиш, карьера, ойлик маош миқдори, раҳбарлик лавозимлари таъинланиш масалаларида гендер билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолмоқда. Жинс бўйича иш ҳақидаги тафовут дунё миқёсида 23 фоиз, қишлоқ жойларда 40 фоизгача етган. Гендер тенглик айрим соҳаларда кузатилса-да, илм-фан, кибернетика, инженерия йўналишларида аёллар иштирокини талаб даражасида деб бўлмайди.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик эса гендерга асосланган зўравонлиқнинг энг жиддий шаклларида биридир. БМТ маълумотларига қўра, жаҳондаги ҳар бешинчи аёл жисмоний ёки жинсий зўравонликка учрайди. Афсуски, бу аксарият жамиятларда сақланиб қолмоқда ва барча ижтимоий гуруҳларга таъсир кўрсатаяпти.

Билим ва таълим — наҳот

Бу ҳолатларнинг туб илдизи илмсизлик, таълим олмасликка бориб тақалиши ҳам рост. Шу жиҳатдан, гендер сенситивлик (гендер сезирлик) бугунги давр таълим тизимида муҳим ўрин эгаллайди. У шахсининг гендер стереотиплари намоён бўлиши мумкин бўлган турли хил ҳаётий, касбий ва ижтимоий вазиятларини ҳал қилишга тайёрлигига оид назарий-прагматик ва гендер маърифати соҳасидаги билимлар асосида шаклланади. БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг 4-мақсади ҳам умумқаровли ва адолатли, сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага ҳаёт давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш муаммоларига қаратилган.

Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда таракқиёт ва маърифатга эришиш, аввало, илм-фан, таълим ривож билан боғланаётгани бежиз эмас. Ислохотлар аввалида, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг устунлиги, хусусан, эркак ва аёл ҳуқуқларининг ҳамма, жамиятда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятлари аҳамият масалалари кент ўрин олган. Бу борада ҳуқуқий қафолатлар ҳам яратилган. 2019 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда

имкониятлар қафолатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналиш ва механизмлари белгилиниб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Бунинг натижасида жамиятда хотин-қизларнинг роли, фаолиятига нисбатан қарашлар том маънода ўзгармоқда. Энди аёлга фақат уй бекаси сифатида эмас, балки маълум бир касб эгаси, тадбиркор, раҳбар сифатида қараш оддий ҳолга айланди. Бугун мамлакатимиздаги ҳар бир аёл ўзи истаган соҳада ўқиб-ўрганиш, ишлашдан иккиланмаёпти, барча имтиёزلардан фойдаланган ҳолда дадил қадам ташламоқда. Бунинг турли соҳаларда аёллар фаоллиги ошиб, гендер тенглик кўрсаткичлари сезиларли ўсаяётгани ҳам кўриш мумкин. Зеро, давлатимиз раҳбари БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаб нутқидан “Биз гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни катъий давом эттирмайиз”, дея таъкидлаган эди.

Бунда асосий вазифалар таълим тизими зиммасига юклатилади. Бугунги замондаги таълим глобаллашаётган дунёнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш, жамият ва шахсининг ахлоқий, этик, диний, гендер ва ижтимоий масалаларини англашга эришиш, ахборот ва билimler жамияти дефинициялари дискурсида барча ижтимоий муносабатлар ва институтлар трансформацияси шароитида фаолият олиб бориш, инсонларнинг демократик жамиятда яшаш кўникмалари, фаол фуқаролик позицияси, инсон ҳуқуқларига ҳурмат туйғуларини шакллантириш вазифаларида етакчилик қилиши лозим.

Бошқа томондан, миллий тафаккурда аёлларнинг ижтимоий мавқеи ҳам муҳим

аҳамиятга эга. Араб тарихчиси, географ Шамсуддин Абу Абдуллох ибн Баттута ўзининг “Саёҳатнома” асарида қайд этишича, турк хоқонлари имзо чекаётганда “султон ва унинг хотунининг амри билан”, деб ёзганлар. Туркийларнинг қадим ижтимоий-диний, маданий, космогоник ҳаётий таъсирларида мавжуд Умай она, Момо Ҳаво, Чир Ине, Аёз момо, Момоқалдиқ каби дефинициялар ҳам туркий халқларнинг лисоний-когнитив тафаккурдаги аёлга бўлган экзистенциал муносабатидан дарак беради. Абу Райхон Беруний ўз ижтимоий-педагогик қарашларида оила тиңчи бевосита ақли, фаросатли, тарбияли аёллар қўлида эканига алоҳида эътибор қаратган. Ислол таълимоти жоҳилият анъаналарини инкор этган ҳолда, хотин-қизларнинг ижтимоий даражасини оширди, аёлнинг яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилди, таълим олиш ва мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқлади.

Гендер тенглик XXI аср кўникмалари ва универсал компетенцияларнинг муҳим таркибий қисми сифатида ҳам замонавий жамиятларда инсон ҳуқуқлари, конструктив гендер муносабатлари, ижтимоий бағрикенглик, маданиятлараро мулоқот ва ҳамкорлик тамойилларини ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада шахсининг билим ва компетенцияларини ривожлантириш долзарб масала бўлиб, уни амалга оширишга доир қатор тақлифларни илгари суриш мумкин.

Хусусан, жамиятда гендер тенглиги маданиятини шакллантириш, гендер тенглигига оид меъёрлар ва қадриятларни етказиш жараёнини таъминлайдиган ўқув дастурларини яратиш, барча турдаги таълим дастурларига гендер тенглиги проблематикасига оид мазмулар ва асосий тушунчаларни киритиш, гендер соҳасида илмий изланишлар, тадқиқотларни рағбатлантириш қабиляр муҳим вазифалардир. Қўлаверса, умумий ўрта таълим дастурларига гендер тенглигига оид бир қатор мазмуларни қўшиш ҳам зарар қилмайди.

Боиси, бу борадаги тушунчаларни болаликдан тушунтириб бориш лозим. Унинг таълим билан боғлиқ ҳолда ўргатилиши эса жамиятда гендер тенгликка оид стереотипларнинг пайдо бўлишига йўл бермайди. Зеро, билимга асосланган ҳар қандай фикр ва тафаккур шахсий хулосаларнинг омманиқидан фарқ қилиши, янгица ёндашуларга хизмат қилади.

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

МАШҲУРЛАР ҚИШЛОҒИМИЗГА КЕЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Фурқат тумани “Ингичка” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган маънавият фестивалида таниқли санъаткорлар ижросида янграган куй-қўшиқлар, шоирлар томонидан ўқилган сара шеърлар гулдастаси қалбларга ҳаяжон ва кутаринкилик олиб кирди. Маҳалладаги “Меҳрибон қалб” оилавий болалар уйида таълим-тарбия топаётган болаларнинг эмин-эркин яшашлари, ўқиб, касб-хунар ўрганишлари учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишиб, болалар билан самимий суҳбат қуришди. Маҳалла ёшлари иштирокида ўтказилган “Маърифат улашамиз” лойиҳаси болаларга бир олам қувонч уллади. Таниқли шоир ва ёзувчилар ўзларининг китоблар туғилгани тўғрисида сўзлашди. Соға ошурта ёшлар устозлар билан “Беллашиб” қўшиқлар ижро қилди.

— Уй-рўзгор юмушларидан ортиб, театр, концертга боришга имкон топа олмаётгандик, — дейди уй бекаси Назокатхон Комилова. — Кутлуг байрам олдидан таниқли кишиларнинг келгани айни муддао бўлди. Мазаза қилиб маданий ҳордик чиқардик. Яхшилик, меҳр-оқибат масофа танламайди дейишади. Пойтахтимиздан келган




таниқли кишилар билан суҳбатлашиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Ҳаёт бор экан унинг ўзига яраша муаммолари ҳам учраб туради. Аммо бу тушунликка тушиш учун асос бўлолмайди. Биз кеча-дунда яхшироқ яшашимиз, эртанги кунимиз янада нури эканига ишонамиз. Самимиятга тўла учрашувларда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ҳаммамларига раҳмат.

Маънавий-маърифий тадбирда маҳалла аҳли, ёшу қари бир мақсад йўлида ҳам бўлмоқда. Маъшур ва таниқли кишиларнинг халқ билан ёна-ён суҳбатда бўлиши, фикр-мулоҳазалар, дилбар куй-қўшиқлар маънавият фестивали асосини ташкил

этноқада. — Фаргона деганда, кўз олдимиизга ҳаммаша маънавият ва маърифат кадрини бандан билган фидойи одамлар келаяди, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси, “Дустлик” ордени соҳибаси, шоира Сайёра Тўйчиева. — Бўлиб ўтаётган самимий учрашувлардан бир нарса аён — фарғоналиклар эзгу ишларга янада шижоат, яхши кайфият, кўтаринкилик билан қадам ташламоқда. Бир неча кундирик, шаҳар ва қишлоқларда китобхонлик, санъатсаварликка ундовчи лойиҳалар, инсонпарварликни кўзда тутган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Биз ҳам азиз фарғоналикларнинг ёниқ юз-кўзидан, самимиятдан, меҳридан катта кўз олаямиз, албатта. Бундай одамларнинг ҳаётга муҳаббати, меҳнатсаварлиги, меҳмондўстлиги ва ватанпарварлигига кўз тегмасан.

Маънавият фестивали иштирокчилари Фарғона вилоятининг энг чекка ҳудуди — Сўх туманида ҳам бўлишди.

Туманда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида янги сонаот ва ишлаб чиқариш корхоналари



қилиш истагиди бўлган кишилар кўп. Бунинг даврини тўлдириб ўтирган шинавандалар юз-кўзларидан илғаб олиш қийин эмас.

— Бундай учрашувлар бизни одамларга яқинлаштирди. Қарашлар, мақсадлар бир. Мана шундай самимий, шукроналик ҳисси билан яшаётган одамлар даврасида бўлиш жуда завқли. — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси бўлим бошлиғи Хулқар Ҳамроева. — Бизни катта хурсандчилик билан қутиб олишди. Давраларни тўлдириб ўтирган кексага ёшнинг чехрасиди кувонч, миннатдорлик ҳиссини кўрганда кишига янада илҳом келаяди. Бундай кезларда халқимизнинг адабиёт ва санъатини қай даражада севиб-ардоқлашини янада чўқур ҳис қилаямиз. Бу учрашувлар ҳар қандай ижодкор учун мулоқот, маҳорат ва ҳисобат майдони бўлиб хизмат қилади.

— Мана шундай ижодий сафарлар давомида халқимизнинг қай даражада санъатсавар, самимий ва меҳмондўст эканини янада яққол ҳис этамиз, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Одина Назруллоева. — Фарғоналиклар куй ва қўшиқ сеҳрини яхши ҳис қиладди. Икки одамнинг бирида қўшиқ, шеърга мойиллик бор, хазиржавоб. Шу боис, улар билан мулоқот қилиш завқли, айни пайтда маъсулиятли. Бир неча кундан бўён давом этаётган маданий санъат фестивалида опимлар, змиллар, ёзувчи ва шоирлар иштирокида юртимиздаги ўзгаришлар, янгилинишлар, илоҳотлар самараси ҳақида самимий суҳбатлар бўлиб ўтаётир.

— Маънавият ва маърифат тадбирларининг дастури марқоли учрашу, қизиқари кечаларга бойлиги билан ажаралиб туради, — дейди маънавият-маърифат маркази Фарғона вилоят бўлими бошлиғи Масъудхон Сулаймонов. — Фестиваль доирасида “Маърифат соатлари”, нурунилар, меҳнат фахрийлари ва ёшлар иштирокида “Уч авлод учрашулари”, мактабга таълим ташкилотларида “Менинг илк китоб жавонини”, “Миллий қўшиқлар ва маком”, “Ватан мадҳи”, “Баҳшилар тараннумида” концерт дастурлари, миллий қадриятларини улуғловчи кўлаб маданий-маънавий тадбирлар ўтказилмоқда. Асосий мақсад аҳоли, айниқса, ёш авлод қалбига Ватанининг тақдирини ва келажак учун дахлдорлик ва маъсулият ҳиссини янада кучайтириш, уларни замонавий билим ва тажрибалир, миллий ва умумбағшарий қадриятлар асосида тарбиялаш, фуқароларимизнинг онгу тафаккури, дунёқарашини юксалтиришдан иборат. Албатта, бундай хайрли амаллар фақат байрам тадбирлари доирасида чекланиб қолмайди. Фестиваль шуқуши шаҳар ва қишлоқлар, чекка маҳаллаларга қувонч, кутаринки кайфият бағишлайверади.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

